Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 196 (13.259)

Баҳоси эркин нархда

ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 20 сентябрь куни Ангрен шаҳрига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида 2012 йилда ташкил этилган "Ангрен" махсус индустриал зонасида кенг кўламли ишлар, жумладан, 11 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7 ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 28 августдаги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳасининг амалга оширилиш жараёни билан танишди. Бу ерда йилига 100 минг погон метр конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси учун 200 мингта шина, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур йирик саноат корхонаси мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида ишга туширилиши қайд этилди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 1 минг 200 иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Ангрен ИЭСда 2016 йилнинг август ойида ишга туширилган янги энергия блокини кўздан кечирди. Замонавий технологиянинг жорий этилиши натижасида йилига 1 миллион тонна кўмирдан самарали фойдаланишга эришилади ва бу орқали 840 миллион кВт/соат электр энергияси ва 423 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Янги энергия блокининг ишга туширилиши ёқилғи сарфини камайтириш, атмосферага газ чиқиндилари чиқишини сезиларли равишда қисқартиришни таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти фаолияти, Ангрен кўмир конида ёқилғи қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари, бу ерда амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш жараёни билан ҳам танишди.

Жорий йил бошидан буён конларни қазиш ишлари ҳажми 15,4 миллион куб метрдан ошди, 2,6 миллион тонна кўмир қазиб олинди. 2016 йилнинг охиригача кўмир қазиш ҳажмини 3,7 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Танишув жараёнида мазкур саноат корхоналари учун ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг етакчи хорижий компанияларда малака оширишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Ангрен шаҳрида амалга оширилаётган ободонлаштириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари билан танишди. Хусусан, мактабгача таълим муассасаси, деҳқон бозорини бориб кўрди.

Учрашувларда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини, ижтимоий инфратузилмани янада такомиллаштириш, коммунал хизматларни яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, замонавий истироҳат ва дам олиш боғларини барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ангрен шаҳри раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида йирик лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фаолияти, улкан хизматлари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги "2016 – 2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори пойтахт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда Ангрен шаҳри ижтимоий инфратузилмасини модернизациялаш масалалари таҳлил этилди. Шаҳар ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги экин ишларининг бориши билан ҳам танишди. Фермерлар, соҳа ходимлари билан учрашув чоғида қишлоқ хўжалиги ишларини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи атрофлича муҳокама этилиб, тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

олтин медаль олгани учун

ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Намозов Шерзод Насимович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Нигматов Уткиржон Исматилло ўғли – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Тулендибаев Адилжон Ришатович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Норбеков Хусниддин Киличбоевич – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Свечников Александр Владимирович – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Каюмова Нозимахон Номонжоновна – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Мусабеков Фирдавсбек Улуғбек ўғли – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Амилова Фотимахон Равшанбек қизи – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медаль олгани учун

ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

Алимова Хайтжон Абдулла қизи – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Бурхонова Сафия Каимовна – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Одилова Муслима Улуғбек қизи – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Панков Кирилл Дмитриевич – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

бронза медаль олгани учун

ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Бобоев Шухрат Шоназарович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Саидов Феруз Бешимович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Шарипов Ширин Хомитович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Салаева Севинч Одамбай қизи – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Рахимова Гулруҳ Илхамбековна – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Нурметова Турсунпашша Бахрамовна – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Салиев Дониёр Нурулла ўғли – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Бозоров Ахрор Ботирович – пауэрлифтинг бўйича терма жамоа аъзоси;

Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Хорлин Дмитрий Сергейевич – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек қизи – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Ибрагимов Сервер Юсуфович – ўқ отиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Сахатов Миран Мирюнусович – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Хамраев Фахриддин Фарходович – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Абдурашидов Мансур Самат ўғли – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада – АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очиладиган депозит ҳисоб рақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртманомалари бўйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси спорт делегацияси таркибидаги спортчиларнинг 2016 йилдаги XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сотиб олинган "Малибу" маркали енгил автомобиллари билан иловага мувофиқ мукофотлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу фармойиш асосида жисмоний шахсларга берилган енгил автомобиллар қийматига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 19 сентябрь

Сайлов – 2016

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ҚИЛДИ

2016 йил 19 сентябрь куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24[1]-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

2016 йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясида комиссия аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди. Унда Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли ҳисобланиши таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24[1]-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд давлат университетида "Ночизиқли анализ ва унинг татбиқлари" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

● Нукусда "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танловда жамоалар оиладаги миллий қадрият ва анъаналар давомийлигини таъминлаш, "оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари, 12 йиллик мажбурий таълимнинг ҳуқуқий асослари, "оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигининг аҳамияти каби мавзуларда ўз билимини синовдан ўтказди.

● Андижонда ўтказилган "Камолот-тур" IX ёшлар веломарафонининг вилоят босқичида уч ёш тоифаси бўйича 220 нафар ҳаваскор спортчи иштирок этди. "Энг фахрий пойгачи", "Энг ёш пойгачи", "Велопойгачилар оиласи", "Энг маҳоратли техник пойгачи" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, рағбатлантирилди.

● Фарғонада мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг аҳамиятига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

● Бухорода фуқароларнинг коррупция ҳолатлари олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий онгини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

● Самарқандда "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Танловда жамоалар оиладаги миллий қадрият ва анъаналар давомийлигини таъминлаш, "оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари, 12 йиллик мажбурий таълимнинг ҳуқуқий асослари, "оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигининг аҳамияти каби мавзуларда ўз билим ва тушунчаларини намоён этди.

ЖАҲОНДА

● "Forbes" журнали томонидан жаҳондаги йирик банкларнинг янги рейтинги эълон қилинди. Ундан 63 та давлат молия муассасалари жой олди. Эътиборлиси, мазкур рўйхатнинг дастлабки учта ўрнини Хитой банклари эгаллади.

● Япониянинг "Casio" компанияси томонидан энг мустаҳкам ҳимоя қопламасига эга бўлган "BG-169" маркали соат яратилди. Яъни мазкур қурилманинг дисплейига махсус металлдан жуда пухта ишлов берилди. У кечқурун нур таратиб туради ҳамда сув ва бошқа ташқи таъсирларга ўта чидамли.

● Австралияда узунлиги 41 метрлик бўлган, дунёдаги энг катта велосипед яратилди. Унинг вазни қарийб 3 тонна бўлиб, 20 кишига мўлжалланган. Ғилдираги эса иккита. Аммо мазкур ўзига хос транспорт воситасида ҳозирча мувозанатни тўла-тўкис сақлаш муаммо бўлиб турибди.

ВАТАНПАРВАР

Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти “Учтепа ўқув спорт техника клуби” унитар корхонаси туман ҳокимлиги, туман мудофаа бўлими, мактаб ва коллежлар, “Баркамол авлод” болалар ижодиёт маркази, маҳалла фуқаролар йиғинлари, “Нуроний”, “Камолот” ЁИҲ билан ҳамкорликда ёшлар ва фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ва оммавий касбларнинг бошқа турлари мутахассисларини тайёрлаш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

МАҚСАДИМИЗ: ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

— Ёшларга Ватанга муҳаббат ва садоқат, унинг ҳимоясига доимо тайёр туриш каби туйғуни сингдириш мақсадида маънавият соатлари, давра суҳбатлари ўтказиб борилади, — дейди “Учтепа ЎСТК” УК Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий оммавий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Севара Алимджанова. — Юртимиз осойишталигини асрашни тарғиб қилиш мақсадида диний ақидапарастлик, терроризм ва экстремизм каби иллатларнинг олдини олиш мавзуларида ўқувчилар, ишчи-ходимлар ва маҳалла фаоллари билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Учтепа ўқув спорт техника клубида “В”, “ВС” ва “С” тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаш йўналиши, кадрлар малакасини ошириш, моддий-техник базани такомиллаштириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. 1173 та фуқаро оммавий техник касбдаги мутахассислардан “В”, “ВС”, “С” тоифага ўқитилмоқда. Синф ва хизмат хоналари ҳамда ҳудуд таъмирланиб, улар инновацион технологиялар билан жиҳозланди.


Вояга етмаган ёшлар орасида ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизни сингдириш мақсадида “Баркамол авлод” болалар ижодиёт маркази аъзолари ва “Давлатобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини “Шонли Ватан тарихи” ва бошқа музейларга ташриф уюштирилди. “Давлатобод” маҳалласининг табаррук онахон ва отахонлар ҳамда вояга етмаган ёшлари иштирокида “Ибратли умр” мавзусида маънавий-маданий тадбир ташкил этилди. “Камолот” ЁИҲ туман Кенгаши фаоллари билан маҳалладаги боқувчисини йўқотган, ногирон, кам таъминланган кексалар уйига ташриф уюштирилди ва совға-саломлар улашилди.

Вояга етмаган ёшларнинг ёзги таътил кунларида 238-, 297-мактабларда ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳлари ва “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказида автомодель ва ўқ отиш бўйича машғулотлар ва мусобақалар ташкил этилди.

Тумандаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари уйларига борилиб уларнинг ҳолидан хабар олинди. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига “Ватанпарвар” тизимида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан ходимлар билан ёшлар орасида “Уч авлод учрашуви” номли давра суҳбати ташкил этилди. Уларга совға-саломлар улашилди.

Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни мард, жасур, қатъиятли бўлиб шаклланишлари учун ўқ отиш, автомодель бўйича клуб мусобақалари ўтказилди. Спортчилар орасида энг кучлиларини саралаб ва терма жамоаларга қўшиш мақсадида бир қатор мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Шаҳар мусобақаларида мунтазам қатнашиб келаётган спортчиларимиз юқори натижаларни кўрсатиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Зиёда РАСУЛОВА





Армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита бор. Бу ким учун ва нима учун ҳарбий бурчни адо этаётганини чуқур англаш ва тушуниш. Бугун нотинч дунёда бу қудратли воситага эҳтиёж тобора ортиб боряпти.

ВАТАН ДЕГАН ШОНИМ БОР

Мустақиллик берган имкониятлар, неъматлар ҳақида кўп ёзамиз. Лекин биз учун энг улуғ, энг азиз бўлган истиқлолни асраш, жонимизни гаровга қўйиб бўлса-да ҳимоялашда, ўша қудратли воситанинг аҳамияти ҳақида... Хуллас, бу хусусда сўз очилган экан, мавзуга эътибор қаратсак.

Афсуски, ҳаётлигида учрашмаганман, суҳбатини ололмаганман. Қаҳрамонларча ҳалок бўлганида нимадир қоралашга уринганман. Ўлимидан сўнг II даражали “Шон-шараф” ордени билан тақдирланган капитан Баҳром Жўраевни назарда тутяпман. Юқорида таъкидланган қудратли воситага эга бўлган ўғлонни назарда тутяпман. Бугун орамизда бундайлар кўп. Миллатни уйғотадиган ботирлари ҳамма замонда ҳам бўлган-ку! Озод ва ҳур замонимизга ботирларимиз руҳи қайтгани рост бўлсин.

Бу юк унча-мунча йигитнинг қаддини букиши мумкин. Лекин қаҳрамонимизга оғирлик қилмади. Негаки у бу эзгу ишни ким учун, нима учун қилаётганини англаб улғайганди. Ҳаётини шу ишга бахшида этганди.

Аслида бу тушунчанинг, яъни Ватан учун қаҳрамонликка тайёр туришнинг йўриқномаси ёки дастури йўқ. Ёки собиқ тузумдагидек кўр-кўрона ура-ура дейишга, қандайдир қаҳрамонлар ясашга, уларни идеаллаштиришга зарурат йўқ. Илдизлар бақувват. Юракка туташ илдизларимизни – буюк аждодлардан қолган меросни назарда тутяпман. Шу илдизлар орқали юракка олийжаноб туйғулар кириб келмоқда. Шу туйғуларни авайлаб “улғайтирсак” бас.

Шоир Минҳожиддин Мирзо миллий армиямиз ҳақида тўхталиб, шундай гапларни айтганди: “Ватан унга бўлган муҳаббатдан юксалади. Ватан асл ватанпарварлар кўксида жон қадар эъзоз ва ҳимоя топади. Жалолиддин Мангуберди шижоати, Амир Темур жасорати... Булар кўксида Ватан деган қуёшни кўтариб яшаган инсонлардир. Шу боис улар қалбларимиз тўрида. Ватан тарихини нима безаб туради, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай, шижоат-у жасорат, маърифат-у адолат, садоқат-у ҳимоят, дегим келади. Илдизлар орқали қалбимиз озиқланаётган туйғулар булар.

Бизлаги кучга ғаламислар бас кела олмади. Буни бўлиб ўтган воқеалар исботлади. Ватан муҳаббатига қарши турадиган куч бор эканми? Чамаси, 16 йил муқаддам “Жасорат” медали соҳиби курсант, десантчи йигит Иқбол Нишонов ҳақида мақола ёзишга тўғри келган. Қаҳрамонимиз Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига суқилиб кирган бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши мардонавор кураш олиб борган. Душман билан юзма-юз, тўқнаш келиб, яраланди. Ғанимни бир ёқлик қилди. Ўзи ҳам қўлидан, елкасидан яраланди. Душманни йиқитгач, ўзи йиқилди. Қалбида Ватан муҳаббати яшайдиган инсонни енгиб бўлмайди.

...Қидирув ишларини олиб бораётган гуруҳ кутилмаганда пистирмага дуч келди. Қўққисдан отишма бошланиб кетди. Профессионалларимиз зудлик билан қулай марраларни эгаллашди. Аммо гуруҳ командири душман ўқидан яраланган эди. Тажрибали сержант Фармонбой Исматуллаев гуруҳга командирлик қилишни зиммасига олди. Тактика борасида юксак малакага эга профессионал посбонларга аниқ йўл-йўриқлар берди. Натижада пистирмадагилар дарҳол ўраб олиниб, бартараф этилди. Бу лавҳа “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби сержант Фармонбой Исматуллаевнинг Сариосиёда кўрсатган жасоратига чизгилардан олинган.

“Сариосиёда – баланд тоғлар тепасидан бир порлоқ юлдуз учиб ўтди. У Ватан, миллат, дўст дея қурбон бўлган мард, ботир жангчи сержант Улуғбек Барноевнинг юлдузи эди. У асло сўнгани йўқ. Балки ўз ватандошлари, миллатдошларининг кўксига ёруғлик олиб кириш, уларни жасоратга чорлаш, юртимиз доим қаҳрамонларга бой эканлигини кўрсатиш учун пастга тушди, холос...” деб ёзади ҳарбий журналист Азимбек Усмонов.

Назаримда, шоирнинг мана бу мисралари айнан мисолларда келтирилган қаҳрамон ҳарбий хизматчиларимизга бағишлангандек:

Менинг Ватан деган шоним бор фақат,
Сенга бахш этувчи жоним бор фақат.

2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларида содир бўлган воқеани яхши эслайсиз. Бир гуруҳ террорчилар жанубий сарҳадларимизга суқилиб киришмоқчи бўлишганди. Ҳарбий хизматчиларнинг кўрсатган жасорати, садоқати эсимизда. Муҳими шундаки, бундай таҳликали дамларда тинчликсевар халқимиз ҳам қараб турмади. Мустақиллик ҳимояси, Ватан ҳимояси йўлида бир тан-у бир жон эканлигимизни исботлади. Тарих фанлари номзоди истеъфодаги подполковник Ислом Иноятов бу хусусда шундай дейди: “Ўша кезлари Мудофаа вазирлигига мамлакатимиз аҳолисидан кўплаб хатлар келарди. Бу хатлар одатдаги хатлардан мутлақо фарқ қиларди. Ҳамюртларимиз ўз шахсий манфаатлари учун ҳеч нарса сўрашмаганди. Аксинча, “Аскарларимизга, армиямизга биздан нима ёрдам керак, биз ҳам қўлга қурол олиб, аскарларимиз ёнида туришга тайёрмиз”, деб ёзишарди, таклифлар билдиришарди. Масалан, Урганч шаҳридаги, Ашхабод кўчасида истиқомат қилувчи Эркинбой Мусаев шундай ёзганди: “Террорчиларга қарши курашда биз, фуқаролар ҳам ёрдам беришни истаймиз. Тошкентда бирор бир банкда “Она Ватан тинчлиги учун” деган ёрдам жамғармаси ташкил этилса, яхши бўлар эди”.

Дунёда дуолар, эзгу ниятлар билан яшаётган миллат шундай бўлади. Ўзига, дунёга тинчлик, омонлик сўраб яшайди. Фақатгина ният, дуо қилиш билан чегараланмайди. Тинчлик учун курашиб яшашни ҳам билади. Ўзбекистон ҳарбийларининг кучи тинчлик қадрини англаган халқ учун хизмат қилишда.

Алижон САФАРОВ

ФАХР ВА ҒУРУР ҲИССИНИ УЙҒОТДИ

Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, кўнглимиз фахр ва ғурур туйғуларига тўлади. Йилдан йилга миллий армиямиз сафлари ҳар томонлама етук, салоҳиятли, ҳарбий хизматни шунчаки бир иш эмас, Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурчи, деб биладиган мард-у майдонлар билан тўлиб боряпти.

Улар замонавий техникаларни бошқариб, қурол-аслаҳалардан унумли фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз жанговар қудратини янада мустаҳкамлаб, Ватанимиз тинчлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаб келишмоқда.

Жорий йилда республикамиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириб, эгнига курсантлик либосини кийган ўғлонларимиз бир ой давомида дала шароитида ўқув йиғинида иштирок этиб, илк сабоқ ва кўникмаларга эга бўлишди. 1 сентябрь, яъни Истиқлолимиз йигирма беш ёшга тўлган куни улар тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди. Бундан олдин, энг улуғ, энг азиз байрам шукуҳи кезиб юрган кунда курсантлар эътиборига қўшинлардаги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар намойиш этилди. Бу жараён Тошкент ҳарбий округи дала-ўқув майдонларидан бирида ҳам юксак савияда ўтказилди. Унда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети ҳамда Қуролли Кучлар тузилмаларининг билим юртлари 1-босқич курсантлари иштирок этди.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МУЖАССАМ

Таъкидлаш жоизки, йилдан йилга илғор тажрибаларни ўзида мужассам этаётган миллий армиямиз Ватанимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди. Бугун замонавий армиянинг посбонидан нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаш, балки интеллектуал салоҳияти юксак бўлиши, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши талаб этилади. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш лозим. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида кўргазмали машғулотларнинг ҳам аҳамияти чексиз.

Бу ерда ташкил этилган ўқув жойларида тажрибали мутахассис ва йўриқчилар, юқори босқич курсантлари машғулот иштирокчиларига ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар бўйича назарий тушунчаларни беришди. Курсантлардаги интилиш ва қизиқишни кўриб, уларнинг юртимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари, етук офицерлари бўлиб шаклланишига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳа, улар Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси, истиқлол посбони, тинчлик қалқонидирлар.

– Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида эгнимга ҳарбий либос кийиб, юрт ҳимоячиси деган номга мушарраф бўлдим, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсанти Шуҳрат Каримов. – Бугун назарий ва амалий асосда ўтказилган машғулотлар биз бўлажак офицерлар учун улкан аҳамиятга эга, деб биламан. Жанговар техникаларни бошқариш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш каби машқлардан зарур тушунча, билим ва кўникмага эга бўлдик. Бу энди бошланган хизматимиз ва ўқишимиз давомида бизга асқотиши, шубҳасиз.

БИЛИМ ВА КЎНИКМА ОШИРИЛДИ

Бугун шуни катта бир ишонч билан айта оламизки, ислоҳотлар туфайли юртимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам туб ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди. Энг асосийси, ўқиш сифати такомиллашиб, замонавий жиҳозлар ва компьютер технологиялари билан таъминланган, умуман, миллий армиямизга ҳар томонлама етук, билимдон, профессионал офицер кадрларни етказиб бериш учун барча имкониятлар мужассам.

Бугун бу устувор масалага улкан эътибор қаратилиб, Қуролли Кучларимиз сафларини етук, билимдон ва тажрибали офицер кадрлар билан бутлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Кўргазмали машғулотда иштирок этаётган курсантларни кузатиб, улар билан суҳбатлашиб, билимга ташналик, эртанги кунга бўлган ишончни яққол ҳис этасиз.

– Ёшлигимдан шарафли касбда фаолият юритишни орзу қилардим, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти 1-босқич курсанти Даврон Эргашев. – Ўқиб-изланишларим зое кетмади ва мен орзуимга эришиб, шундай нуфузли олий ҳарбий таълим муассасасининг курсанти бўлдим. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намойиши менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, бизга деярли тенгдош ўғлонларнинг жанговар машиналарни бемалол бошқариши, улардан нишонларга бехато ўқ узиши ўзимга бўлган ишончни янада орттирди. Мен ҳам ўқиб, пухта билим олиб, соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаб, юртга муносиб посбон бўлишга интиламан.

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАРДАН БИРИ

– Мен муддатли ҳарбий хизматни Чегара қўшинларида ўтаганман ҳамда илк ҳарбий билим ва кўникмаларни олганман, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 1-босқич курсанти Арслонбек Абдуҳамидов. – Бугун дала-ўқув майдонида ўтказилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар намойиши ҳаётимни шарафли соҳа билан боғлаганимдан фахрланиш ҳиссини янада оширди.

Нишонларга ўқ отиш машғулотлари ҳам курсантларда улкан таассурот қолдирди. Жанговар машина ва зирҳли техникаларда амалга оширилган кўргазмали машғулотлар, айниқса, барчанинг олқишига сазовор бўлди.

– Бугун бу қурол-аслаҳа ва замонавий техникаларни кўриб, уларнинг техник ва тактик тавсифларини эшитиб, кўникмаларим ортди. Юқори босқич курсантларига ҳам ҳавасим келди. Улар бизга машғулотлар ўтиш жараёнида пухта билим, тажрибага эга эканликларини намойиш қилишди. Биз ҳам улар изидан бориб, соҳамиз бўйича зарур билим ва кўникмани ўзлаштиришга, келажакда бугун кўрган қудратли ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалардан бемалол фойдалана оладиган етук офицер бўлиб шаклланишга ҳаракат қиламиз, – дейди Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети курсанти Хуршид Холматов.

Шунингдек, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар намойиши Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Дарҳақиқат, дала-ўқув майдонида ҳам назарий, ҳам амалий тарзда ўтказилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар намойиши бўлажак офицерлар илк хизмат онларининг энг унутилмас лаҳзалари бўлиб қолади. Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати, замонавий техника ва қуролларнинг имкониятлари, миллий армиямиз ҳақидаги илк тасаввурлари қалбларида танлаган касблари, соҳаларига нисбатан фахр ва ғурур ҳиссини янада алангалатиши, шубҳасиз.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН УШЛАНГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИБ КЕЛИШ, ТАШИШ ВА САҚЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Қонун ҳужжатларини бузганлиги учун ушланган транспорт воситаларини олиб келиш, ташиш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 149-сонли қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 20-21-сон, 207-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 23 августдаги ММ/15-04-34-11/133-2261-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қонун ҳужжатларини бузганлиги учун ушланган транспорт воситаларини олиб келиш, ташиш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар:

транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар кўрсатувчи юридик шахс томонидан ўз молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланган, оммавий ахборот воситаларига эълон қилинган, бироқ иловада белгиланган хизматлар учун тўловларни чекланган миқдорлардан ошмаган ҳолда белгилаши;

транспорт воситаларини сақлаш хизматлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори асосида, транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш учун ажратилган махсус техник талабларига жавоб бериши;

транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар, шунингдек, уларни ташиш (эвакуация қилиш) харажатлари ҳисобкитоби ҳар бир тўлиқ соат учун амалда сақланган муддатдан ва ташиш бўйича сарфланган харажатлардан келиб чиқиб назоратқасса машинаси ёки ҳисоб-китоб терминали чеки мажбурий берилган ҳолда транспорт воситаси ҳудуддан чиқаётганда амалга оширилиши;

транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек, уларни ташиш (эвакуация қилиш) сарфлари учун ҳақ тўлаш нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида амалга оширилиши таъминлансин.

3. Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи (Б.Қурбонов), ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар:

ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларида видео-кузатув мосламалари ўрнатилиб керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин;

ушланган транспорт воситасини тўхташ жойига жойлаштириш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Марказий диспетчерлик хизмати томонидан тегишли ҳудудда транспорт воситаларини олиб келиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахснинг вакили ва зарур махсус техник воситасини дарҳол юборилишини таъминлаш.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Б.Рахмонов):

Транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга хизматлар прейскуранти (тўлов миқдорлари) тўғрисида маълумотларни сақлаш жойидаги кўринарли жойларга ўрнатилишини назорат қилиш;

танлов ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сонли қарори талабларига қатъий риоя қилиш таъминлансин.

5. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Қарор расмий эълон қилинган кундан қонуний кучга киради.

7. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 5 сентябрдаги “Қонун ҳужжатларини бузганлиги учун ушланган транспорт воситаларини олиб келиш, ташиш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 569-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р. Усманов

2016 йил 16 сентябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Янги қонун кучга кирди

НАВҚИРОН АВЛОД КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

"Туркистон" саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунининг тарғиботига бағишланган йиғилиш ўтказилди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим фидойилари, маънавият тарғиботчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Т.Мадумаров, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг келажаги йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатишнинг миллий тизимига асос солинганини таъкидлади. Мазкур қонун ҳам Биринчи Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда яратилган миллий қонунчилик тизими – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, васийлик ва ҳомийлик, жисмоний тарбия ва спорт, вояга етмаганлар ҳуқуқларига оид қонунларда, 300 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатда ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси, таълим-тарбияси, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат бандлиги, жисмоний, ижодий-интеллектуал салоҳиятининг камол топишига дахлдор долзарб масалалар акс эттирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшларга чексиз меҳр кўрсатиш, болалар саломатлиги ҳақида қайғуриш, давлат бюджетидан таълимга тобора кўпроқ маблағ йўналтириш, ўқув жараёнига инновацион янгиликларни кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя каби кўрсаткичлар бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар сафидан ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни навқирон авлодга бўлган эътибор кўламини янада кенгайтириш, бу борада ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришда янги уфқларни белгилаб беради. Тўрт боб, ўттиз уч моддадан иборат мазкур ҳужжат очиқлик, қонун ижросида ёшларнинг фаол иштироки, уларнинг эзгу ташаббусларига қанот бериш, маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларнинг устуворлиги каби тамойилларга таянади. Қонунда ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари, меҳнат, адлия, ички ишлар, мудофаа, прокуратура идоралари, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларига тааллуқли ваколатлар аниқ белгиланган. Мазкур ҳужжатда ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг, уларга оид ижтимоий ҳимоя кафолатлари, тадбиркор йигит-қизлар, истеъдод соҳибларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг механизмлари мустаҳкамлаб қўйилган.

– Ҳар бир мамлакатнинг истиқболи уларда камол топаётган ёшлар билан бевосита боғлиқ, – дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. – "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани ўғил-қизларнинг таълим олиши, бандлигини таъминлаш, уларни ватанпарвар, юртга садоқатли, фаол фуқаролик позициясига эга шахс этиб тарбиялашдаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда, бу йўналишдаги ишларни давр руҳига ҳамоҳанг йўлга қўйишда янги имкониятлар очади.

Иштирокчиларнинг мазкур қонунга оид саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БАРКАМОЛ БЎЛСИН

Инсон камолоти, мамлакат равнақи бевосита она ва боланинг соғлиғи ва қандай муҳитда ҳаёт кечиришига боғлиқ. Қайси юртда оналар бахтиёр бўлиб, болаларнинг шодон кулгуси янграса, бу заминнинг эртанги куни нурафшондир.

Мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири айнан она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳисобланади.

Зеро, соғлом фарзанд – соғлом оила меваси. Ҳозирги даврда соғлом фарзанд туғилиши ва уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозалиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири деб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда оналар ва болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, чақалоқлик давридан ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Шифокорларнинг "ҳомиладорлик даврида скрининг" деган тушунчаси деярли барча бўлажак оналарга яхши таниш. "Скрининг" деганда нимани назарда тутилади? Бунинг учун қандай текширувлардан ўтиш керак? Шифокорлар текширув натижалари қайд этилган ҳужжатлардан қандай ахборотга эга бўлади? Ана шундай текширувлардан бири одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) – инфекцияга текшируви деб номланади. Одам иммунитети танқислиги вируси ўтган асрнинг 81-йилида аниқланган ва янги касаллик қўзғатувчиси сифатида талқин қилинган. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси нима? Орттирилган иммунитет танқислиги синдромичи? ОИВ – бу одам иммунитет танқислиги вирусидир, одамда сурункали кечувчи, юқумли иммунитет танқислиги касаллигини қўзғатувчиси. ОИВ инфекцияси – клиник белгиларисиз вирус ташиб юрувчиликдан иммун тизимининг оғир зарарланишигача олиб бориладиган, узоқ давом этувчи сурункали юқумли касаллик.

ОИТС – орттирилган иммунитет танқислиги синдроми – бу иккиламчи иммунитет танқислиги натижасида ҳар хил инфекциялар, хавфли ўсмалар ривожланиб, асаб тизимини издан чиқарувчи ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичидир.

Замонавий тушунчаларга кўра ҳомиладор аёлда одамнинг иммунитет танқислиги вируснинг – инфекциясини ижобий бўлиши ҳомиладорликни тўхтатишга эмас, балки ондан болага инфекцияни юқишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни бошлашга кўрсатма бўлади. Кутилган ҳомиладорлик сақланилиши шарт. Бунда – одамнинг иммунитет танқислиги вируснинг инфекциясини ондан болага юқишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни самарали ўтказилишига қаратилган бўлиши керак.

Ҳа, болаларнинг соғлом дунёга келиши ва жисмонан бақувват бўлиб улғайиши йўлида нафақат онанинг, балки отанинг ҳам саломатлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир жамиятда оилада тиббий маданиятни юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш соғлом оила муҳит-ини шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Гўзал ҒИЯСОВА,
Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти эпидемиология кафедраси қошидаги ОИТС муаммолари курсининг доценти вазифасини бажарувчи

СУВ – ҲАЁТИМИЗ МАНБАИ

Мустақилликка эришганимиздан буён юртимизда мислсиз янгиланишлар содир бўлди. Нафақат йирик шаҳарлар, балки кичик туманларда ҳам улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу каби кенг кўламдаги ўзгаришлар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги фаолиятга ҳам бевосита дахлдор. Ўз-ўзидан равшанки, саноат тармоқлари кириб келган ва янгидан янги бино ҳамда иншоотлар бунёдга келган ҳудудларни сув билан таъминлаш, ёнғинга қарши сув иншоотларини бунёдга келтириш муҳим масалалардан биридир.

Йирик саноат масканларида, айниқса, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Уларда белгиланган талаблар асосида муайян вазифалар амалга оширилмоқда. Ҳар бир қоида ва талаблар шубҳасиз, шаҳарлар, саноат тармоқларининг ўсиши, аҳоли турар жойларининг тобора кенгайиши билан боғлиқдир. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи техник воситалар қатори ер ости гидрантларнинг кашф этилиши ҳамда корхоналар ва ташкилотлар бино ҳамда иншоотлар ҳудудларига, шунингдек, маҳаллаларга ўрнатилиши долзарб масалалардан бири бўлиб қолган. Чунки, ер ости гидрантлари ўрнатилмаган жойларда ёнғинни бартараф этиш катта муаммодир. Узоқ масофадан сув олиб келгунга қадар, ёнғин катта майдонга тарқалиб кетиши турган гап.

Қадимда мавжуд бўлган ва маълум сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган табиий сув ҳовузлари ёки ҳавзалари ўрнини ер ости иншоотлари эгаллаб келмоқда. Бу иншоотлардан фойдаланишда шубҳасиз, замонавий гидрантларга бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Асосан, булар янги барпо этилаётган қурилиш ва масканларда сезилмоқда. Чунки, табиий оқава суви бўлмаган ҳудудларда ёнғинларнинг олдини олиш ва содир бўлганида тезкорлик билан уни бартараф этиш муҳим вазифамиздир.

Пойтахтимизда жойлашган сувсиз ҳудудларда, аҳоли турар жойларида, халқ хўжалиги масканларида ёнғинга қарши сув таъминотини яхшилаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан шаҳар ҳокимлиги ҳамда "Сувсоз" ДУК билан ҳамкорликда жорий йил мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан, содир бўлаётган ёнғинларнинг олдини олиш, янги барпо этилаётган мавзе, даха, сувсиз ҳудудларга "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари" талаблари асосида ёнғин ўчириш гидрантларини ўрнатиш, асфальт, тупроқ ва бошқа қурилмалар остида қолган ёнғин ўчириш гидрантларини очиб, уларни таъмирлаш, "Сувсоз" корхонаси ходимлари билан биргаликда ёнғин ўчириш гидрантларини техник ҳолатини текшириш ва сув босими кам бўлган манзилларда сув таъминотини қайта кўриб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, сувсиз ҳудудларда ёнғин ўчириш гидрантларини ўрнатишни ташкил этиш каби юмушларнинг ўз вақтида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ер ости гидрантларининг мавжудлиги бизнинг хизматимизда қулайлик яратади. Талафот содир бўлганида, ёнғинни бартараф этишда энг катта ёрдамчи, шубҳасиз, гидрантлардир.

Бизнинг аждодларимиз ҳамиша сувни эҳтиёт қилган, эъзозлаган. Ҳозирда ҳам сўлим қишлоқларимизда ҳамюртларимиз ариқдаги оқава сувни истеъмол қиладилар. Бу гўшаларда гидрантлар мавжуд эмас. Лекин аҳоли турар жойларида сув ҳовузлари ковлаб олинган. Бу ҳам бизга ота-боболаримиздан қолган яхши меросдир. Кимнинг уйидан офат балоси чиқса, ёнғин ўчирувчиларувиб ҳовузлардан фойдаланадилар. Маҳалла ёки гузарлардаги мавжуд бўлган ҳовузларга масъул шахслар бўлиб, уларни ҳеч қачон қуришига ёки йўқ бўлиб кетишига йўл қўйилмайди.

"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ушбу вазифалар белгилаб қўйилган. Жумладан, жойларда ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини ишга яроқли ҳолда сақланиши, улардан бошқа мақсадда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳақида алоҳида қайд этилган. Гидрантларнинг доимий равишда соз ҳолатда бўлиши, йўқ жойларга уларни ўрнатилиши бугуннинг асосий вазифаларидан биридир.

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ЁОО ва НТЭБ муҳандиси, капитан

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ФРАНЦИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Франция пойтахти Париж шаҳрида 20 сентябрь куни "IFTM Top Resa – 2016" халқаро сайёҳлик кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон туристик салоҳияти кенг намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида мамлакатимизда ички ва халқаро туризм тобора кенгайиб, сайёҳлик оламининг янги-янги йўналишлари кашф этилди. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий туризм инфратузилмаси ва дам олиш масканларида йўлга қўйилган юксак сифатли хизматлар сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.

"IFTM Top Resa" дунёдаги энг йирик ва нуфузли халқаро кўргазмалардан. Маълумотларга қараганда, бу йил мазкур кўргазмада АҚШ, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Бразилия, Россия, Беларусь, Вьетнам, Ҳиндистон, Исроил, Эрон ва бошқа мамлакатлардан бир ярим мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компанияси ўз хизматларини таклиф этмоқда. Кўргазма сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган.

Париждаги "Porte de Versailles" кўргазмалар мажмуида ўтказилаётган нуфузли туризм форумидан жой олган "Ўзбекистон" миллий стенди ўзига хос янги дизайни, безаклари ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчилари эътиборини тортмоқда. Унда мамлакатимиз тарихий обидалари, халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари акс этган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига оид ранг-баранг маълумотлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

"IFTM Top Resa – 2016" халқаро кўргазмаси жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туристик бизнес ривожининг тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясидан маълум қилишларича, Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти мавзусида тақдимот ўтказилган. Тадбирда икки мамлакат туристик ташкилотлари ўртасида битимлар имзоланган.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

КОНТЕЙНЕРДА БОР – ҲУЖЖАТДА ЙЎҚ!

Юртимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, соғлом рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Аммо айрим уддабурон "тадбиркорлар" берилаётган имкониятлар ва яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ўрнига, мўмай даромад илинжида амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, товар-моддий бойликларни божхона назоратидан яширинча олиб киришга уринаётган ҳолатлар ҳам учраб туради. Яширинча олиб кирилаётган товарлар орасида болалар ўйинчоқлари ҳам бор.

Аслида ўйинчоқлар нафақат ташқи кўриниши билан бежирим ва жозибали, балки кимёвий таркиби, гигиеник сифати жиҳатидан хавфсиз ҳамда безарар ҳам бўлиши керак. Амалдаги тартибларга кўра, бундай товарлар мажбурий тартибда сертификатланиши, яъни божхона расмийлаштируви жараёнида гигиеник ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши талаб этилади. Қолаверса, улар давлат тилида маркаланиши зарур.

Мазкур тартибларга риоя қилмасдан туриб, сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган болалар ўйинчоқларини олиб киришга уринган сохта тадбиркорларнинг қинғир қилмишларига эса ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Ташкил этилганига ҳали бир йил тўлмаган "Great Tree Project" МЧЖ директори С.Мамаюсупованинг фаолияти бунга мисол бўла олади. У жиноий шериги, мазкур МЧЖ экспедитори, жамиятнинг божхона расмийлаштируви бўйича ишончли вакили, муқаддам судланган З.Асатуллаев билан тил бириктириб, божхона тўловларидан бўйин товлаш мақсадида товарларни божхона чегарасидан ноқонуний тарзда, божхона назоратидан яширинча олиб ўтиш бўйича ўзаро жиноий режасини тузади. Ўтган йилнинг декабрида ушбу юридик шахс номига Хитойдан темир йўл транспорти орқали келтирилган, қиймати 54 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган болалар ўйинчоқлари Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Чуқурсой" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан божхона кўригидан ўтказилганда бу режа барбод бўлди: контейнердаги юклар божхона юк декларацияси ва йўл-юк кузатув ҳужжатларида қайд қилинган миқдордан анчагина фарқ қилиши маълум бўлди. Масалан, болалар учун мўлжалланган портфелларнинг 24 донаси божхона юк декларациясида умуман кўрсатилмаган, 500 дона деб қайд қилинган "Тетрис" ўйинчоқларининг эса 9 000 донаси ҳужжатлардан атайлаб "тушириб" қолдирилган. Дамлама тўплар аслида 4 040 дона келтирилган бўлса-да, ҳужжатларда атиги 360 дона деб қайд этилган. Шунингдек, 142,6 минг донадан ортиқ ўйинчоқлар ҳам божхона юк декларациясида қайд этилмаган.

Божхона тўловларининг тўғри ва тўлиқ ундирилишида муҳим аҳамият касб этувчи болалар ўйинчоқларининг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасидаги кодларини ҳам нотўғри белгилаш ҳолатлари кузатилган. Масалан, божхона назоратидан яширилган 17 турдаги болалар ўйинчоқлари 6 хил ТИФ ТН кодлари билан тасниф-ланиши лозим бўлса-да, "ишбилармонлар" бу товарларни битта "Варрак" номи остида қайд этишган.

Экспертларнинг баҳолашича, божхона юк декларациясида кўрсатилмаган, шунингдек, бошқа ном билан қайд этилган товарларнинг жами қиймати 555 млн. сўмдан ошар экан.

Бундан ташқари, мазкур жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилган текширишлар давомида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Масалан, жамиятнинг турғун шоҳобчаси бўлмаса-да, С.Мамаюсупова амалдаги тартибларга бутунлай зид равишда 2015 йилнинг октябридан 2016 йилнинг январига қадар 101,5 млн. сўмлик товарларни турли шахсларга назорат-касса машинасидан фойдаланмаган ҳолда нақд пулга сотиб юборади, табиийки, ушбу пул маблағларини банк муассасасига инкассация ҳам қилмайди.

Мазкур ҳолат юзасидан айбланувчиларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига биноан улар 1 йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. С.Мамаюсупова энг кам ойлик иш ҳақининг 320 баробари миқдорида, З.Асатуллаев эса 300 баробари миқдорида жаримага тортилди.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида олиб қўйилган 555 млн. сўмдан ортиқ қийматдаги товарлар эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, соҳага бундан-да кўпроқ эркинлик бериш, дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни олиб ташлаш борасида тизимли ишлар бундан буён ҳам давом эттирилаверади.

А.ТАДЖИБАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287- моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Спорт янгиликлари





СОВРИНДОР СПОРТЧИЛАР ҚАТОРИДА

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида спорт курашлари бўйича 100 нафардан зиёд ўсмирлар иштирокида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Қувонарлиси, ушбу мусобақада терма жамоамиз вакиллари ҳам муваффақиятли тарзда иштирок этишмоқда. Беллашувларнинг иккинчи кунида вакилларимиз юнонрум кураши йўналишида гиламга кўтарилишди. Қизғин кечган баҳсларда ҳамюртларимиздан икки нафари совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади.

Енгил вазн тоифасида Элбек Эргашев (46 килограмм) кумуш медалини қўлга киритган бўлса, 42 килограмм вазнда Ихтиёр Ботиров бронза медали соҳибига айланди.

Ҳиндистоннинг Кочи шаҳри дзюдо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилди.

ҲИНДИСТОНДАН ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Ушбу мусобақада терма жамоамиз вакиллари ҳам муваффақиятли тарзда иштирок этиб, юртимизга жами бўлиб 17 та медаллар жамланмаси билан қайтишди.

Шундан 7 та медални ўсмирлар жамоаси вакиллари қўлга киритган бўлишса, қолган 10 медаль ёшларимизга насиб этди. Қуйида ушбу мусобақада совриндор бўлган барча спортчилар билан танишишингиз мумкин. Ўсмирлар: Санобар Султонова — олтин медаль, Шаҳзод Очилов, Улуғбек Ўроқов, Жасур Самадов — кумуш медаль, Насрулло Шокиров — бронза медаль, ёшлар: Артем Штурбабин, Муҳаммадкарим Хуррамов, Давлат Бобонов, Гулнур Муротбоева — олтин медаль, Суҳроб Турсунов, Бекмурод Олтибоев, Нодира Йўлдошева — кумуш медаль, Ренат Нажмиддинов, Маҳлиё Маннонова, Раҳима Йўлдошова, Достон Рўзиев, Диёра Келдиёрова — бронза медаль.

Хитойда аёллар ўртасида ташкил этилган Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимига кирувчи турнирда иштирок этаётган ўзбекистонлик Нигина Абдураимова чорак финалга чиқди.

ЕВРОПАЛИК ТЕННИСЧИНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

Дастлабки учрашувда таиландлик Камонван Буайамни мағлуб этган ҳамюртимиз иккинчи давра баҳсида польшалик Катарзина Питер билан рақобатлашди. Бир ярим соатдан ортиқ давом этган ўйинда Нигина 6:3, 7:5 ҳисобида зафар қучди. Таъкидлаш жоиз, иккинчи сетда ҳамюртимиз бир неча бор эйс зарбаларини амалга оширди.

Энди тажрибали вакиламиз Хитой Тайпейи теннисчиси Каи-Чен Чанг билан беллашади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан пойтахтимиздаги барча болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спорт фестиваллари уюштирилди.

Энг улуғ, энг азиз айём – мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган спорт фестивали доирасида ўқувчи-ёшлар йиғилганларга ўзлари қунт билан ўзлаштираётган спорт турларининг сир-асрорларини машғулотлар, кўргазмали чиқишлар орқали намойиш этишди. Дарвоқе, фестиваль доирасида ўқувчилар учун тажрибали ва таниқли спортчилар, мутахассислар иштирокида ташкил этилган очиқ дарслар, маҳорат сабоқлари ёшларга тажриба мактаби бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Фестиваллар доирасида ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди. "Очиқ эшиклар куни" тадбирларида ота-оналарга пойтахтимиздаги барча спорт мактабларида ёшларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишлари, турли фанларни яхши ўзлаштиришлари учун яратилган қулайликлар, шарт-шароитлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берилди. Спорт мактабларидаги қулайликларни ўз кўзлари билан кузатган ота-оналар бундан жуда мамнун бўлишди. Шунингдек, фестиваллар доирасида ҳар бир спорт турлари бўйича уюштирилган мусобақалар келажагимиз ворисларининг профессионал спортчи бўлиш йўлида қанчалик малака ҳамда билимга эга бўлганликларини йиғилганларга яна бир бор яққол исботлади.

Ҳар бир мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар бўлган ёшлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари билан ҳамкорликда "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" акцияси доирасида репродуктив саломатлик лойиҳаси тарғиботига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Унда мутахассислар ҳамда академик лицей ўқувчи-ёшлари, "Камолот" ЁИҲ фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизнинг келажаги учун ҳар томонлама ҳам жисмонан, ҳам маънан етук авлодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиниши нурли келажак сари етаклайди.

Тадбирда 59-оилавий поликлиника гинеколог шифокори Зулфия Алламуродова сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, бунинг учун тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя этиш нафақат ёшларнинг, балки бутун инсониятнинг ҳам муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади. Сўнгра эрта турмуш ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, унинг салбий оқибатлари, келиб чиқадиган касалликлари ҳақида кўргазмали материаллар орқали батафсил маълумотлар бериб ўтди.

— "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши, туман хотин қизлар қўмитаси, туман тиббиёт бирлашмаси ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи кўнгиллилар билан биргаликда ёшларнинг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Камолот ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси Дилдора Уралова. — Ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, гиёҳванд моддаларини истеъмол қилишни, ёш авлод соғлиғини муҳофаза этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор акция ва тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Тарғибот тадбирларида ёшлар орасида йод танқислиги, камқонлик ва сил касаллигининг олдини олиш, миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш учун зарур шароитлар яратишга қаратилган вазифалар ижросига катта аҳамият берилмоқда.

Тадбир сўнгида ёшлар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
2017 йил учун катта илмий ходим-изланувчи институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

07.00.08 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ 1 та ўрин

08.00.09 ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР 2 та ўрин

12.00.10 ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ 2 та ўри

Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– ариза;
– маълумотнома;
– меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
– олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
– тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
– илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
– талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
– етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон тарихи; Фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси; Чет тили ва Мутахассислик фанларидан иборат.

Ҳужжатларни қуйидаги маизил бўйича топшириш мумкин:

Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси-54. "Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш" бўлими. "А" бино, 1-қават, 8-хона.

Мурожаат учун телефон 267-07-07.

"GLOBAL TRADE TOWER"

хусусий корхонаси мулкдорининг 2016 йил 19 сентябрь кунидаги 5-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 456 000 000 сўм миқдоридан 449 000 000, 00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 7 000 000, 00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содиқов кўчаси, 9-уй.

Ўзбекистон Бадиий Академияси "SAN`AT" журнали фалсафа фанлари доктори, профессор

Тилаб МАҲМУДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"101"

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Қишки мавсумга тайёргарлик кўриш учун барча соҳаларда ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён айниқса, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдига ҳам бир қатор вазифаларни юклайди.

Ёнғин вақтида моддий бойликлар, уй биносининг қурилиш конструкциялари нобуд бўлишига олиб келмоқда. Энг ачинарлиси, ёнғинлар даврида кўплаб инсонларнинг жароҳатланиши ва ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлмоқда.

Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида Миробод тумани ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенгайтирилган йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Қиш мавсумида турар жойларда иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳоллари кўпайишини инобатга олиб, газ плитасини ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола ясалган ностандарт электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши тўғрисида аҳоли огоҳлантирилмоқда. Бундан ташқари айни вақтда республикамиз ҳудудига кириб келаётган бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган газ иситиш печларининг меъёр талабларига жавоб бермаслиги, улардан фойдаланиш натижасида газ иси чиқиб, одамларни заҳарлаши мумкинлиги ҳақида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёнғин ортидан келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, давлат мулкини кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Ёнғин содир бўлганда телефон орқали "101"га хабар бериб, манзилгоҳни тўлиқ айтишни унутманг.

Жаҳонгир АБДУКАРИМОВ,
Миробод туман ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Ҳар йил куз-қиш мавсуми олдидан аҳолимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишлари муҳимлиги тарғиботига алоҳида эътибор берилади.

Бу бежиз эмас. Маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган тарғибот ишлари ўз натижасини бермоқда. "Восток" ИИЧБ ДУКда ҳам ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Унда ишчи-ходимларга "тилсиз ёв"дан эҳтиёт бўлиш, ёнғиннинг олдини олиш муҳимлиги яна бир бор тушунтириб ўтилди. Қўлбола ясалган, носоз ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ишлатишга мутлақо яроқсиз бўлган иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик қоидалари эслатилди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг куз-қиш мавсуми даврида асосий мақсади – энг аввало, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, барчани огоҳликка чақиришдан иборат.

Абдумалик АМАНОВ,
33-ҲЁХҚ смена бошлиғи, капитан

* * *

Одатда эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида ёнғин ҳодисаси содир бўлиши кўп учрайди. Бундай ҳолларда эса, энг аввало, катта талафот кўрувчи ҳам, жабрланувчи ҳам инсонлар эканлиги барчамизни ташвишга солади, албатта.

Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган.

Бу борада пост ходимлари маскан раҳбар ходимлари билан ҳамкорликда ёнғин хавфининг олдини олиш борасида бир қатор ишларни йўлга қўйишган. Ёнғин билан боғлиқ нохуш вазиятлар юз бермаслиги учун ишчи-хизматчилар билан тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бориш талаб этилади.

Жумладан, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Биламизки, нафақат ёнғинларнинг, балки бошқа турдаги нохуш ҳодисаларнинг ҳам оқибати ёмон тугайди, шу сабабли уларнинг олдини олганимиз маъқул.

Ҳабибулла ТУРСУНОВ,
ЁХБ 12-ҲЁХО 4-ҲЁХ алоҳида пост кичик инспектори, кичик сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***22 сентябрда*** *ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***22 сентябрь*** *куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ